Мажлисида Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳамкорлик доирасида божхона, техник тартибга солиш, санитария, фитосанитария, қишлоқ хўжалиги ва ветеринария соҳалари, шунингдек, саноат тармоқларида йўл қўйлаётган тизимли камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан қўрилаётган чоралар инвестициялар ва ташқи савдо (Қўдратов), иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш (Норқулов), қишлоқ хўжалиги (Хўжаев), соғлиқ сақлаш (Ҳожибоев) вазирликлари, божхона (Азимов), ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш (Норқўлилов) давлат қўмиталари, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сатторов) ва "Ўздавқарантин" инспекцияси (Эргашев) фаолияти мисолида батафсил ўрганилди.

Бундан ташқари, масъул раҳбарларнинг алоҳида эътибори божхона, санитария, фитосанитария, ветеринария назоратлари ва техник тартибга солишни такомиллаштириш каби долзарб масалалар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги муаммо ва камчиликларга қаратилиб, уларни қисқа муд-

датларда бартараф этиш чораларини кўриш ва келгусида бу каби ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳамкорлик доирасида давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, саноат тармоқларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни камайтириш, амалга оширилаётган тадбирларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ишларни фаоллаштириш борасида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан самарали мулоқот ўрнатиш, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва янги "ўсиш нукталари"ни белгилаш муҳимлигини эътиборда олган ҳолда, мажлисида ўз шахсий масъулиятини англаш, мустақкам интизом ва ташаббускорлик мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг "темир" қондасига айланиши зарурлиги таъкидланди.

## МУНОСАБАТ

ЕР АЛЛОҲНИНГ УЛУҒ НЕЪМАТИ,  
УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЭСА ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Усмонхон АЛИМОВ,  
Ўзбекистон муслмонлари  
идораси раиси, муфтий

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер майдонларидан оқилон фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш баробарида ўзбошимчилик билан эгаллаб олишга чек қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоқлини таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда айна мудоао бўлди.

Зеро, ушбу ҳужжат билан ер ажратишнинг барча учун тенг, шаффоқ ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерни муҳофаза қилиш, ер эгалларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, аҳолига қишлоқ ҳўжалиги ерларини деҳқончилик билан шуғулланиш учун бериш тартиби белгиланди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло инсон зиммасига бир неча вазифа ва масъулият юклаган баробарида ерга яхши муносабатда бўлиш ва уни обод қилишни ҳам топширган. Парвардигор мазкур неъматлардан инсон ўзи ва ўзгалар учун қандай манфаат олишини ҳам ўргатади.

Ҳақ таоло инсонни дунёни асрашга, ердан унумли фойдаланишга, неъматлардан фойда олишга, уларни поймол қилмаслик, ёмонлик эмас, фақат яхшилик йўлида тасарруф этишга амр қилди.

Демак, инсон ер юзидagi ободлик учун ҳам Аллоҳ таолонинг олдидаги масъулиятини унутмаслиги лозим. Қуръони каримда: “У Ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди”, деб марҳамат қилади.

Ушбу оят қаримда Аллоҳ таолонинг бандаларга инъом қилган турт неъмат — ернинг бешик ё тўшак каби қўлай қилиниши, ерда йўлларнинг барпо қилиб қўйилгани, осмондан қор-ёмғир туширилиши, ерда турли набототлар ундириб қўйилгани баён қилинмоқда.

Албатта, бу неъматлар инсонга оқилон фойдаланиши учун берилган, ўзбошимчилик билан иш тутиш, зарар етказиш ёки оёқости қилиш учун эмас.

Баъзида фуқароларимиз хонадонларида қаровсиз қолган ерларга гувоҳ бўламыз. Ваҳоланки, ўша ердан унумли фойдаланилса, кўп ажр-савобларга эга бўлиш баробарида халқимиз ризқи кенг бўлишига ҳам ҳисса қўшган бўламыз.

Зеро, Қуръони каримда: “...У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этуви эди...”, дейилади. Ушбу оят қаримда Аллоҳ таоло одамзодни ер юзига уни обод қилиш учун юборгани хабари берилади.



Қабул қилинган фармон асосида ишсиз аҳолига қишлоқ ҳўжалиги ерларини 10 йил муддатга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш тартиби белгиланди. Жорий йилдан галладан бўшаган қарийб 100 минг гектар ер майдонини ишсиз аҳолига деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун бериш амалиёти бошланди. Пахта ҳосилидан кейин ушбу мақсадлар учун яна 100 минг гектар ер ажратилиши эса янада фойдали иш бўлди. Мазкур фармон шарофати билан иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган қўлпаб фуқароларимизнинг уйига кўт-барака кириб келади.

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинадики, Ҳазрати Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: “Ким Аллоҳга ишониб, савоб умидида қаровсиз ерни обод қилса, унга ёрдам ва барака бериш Аллоҳга лозим бўлади”.

Шунингдек, ким ташландиқ, қаровсиз ерни ўзлаштириб, унга ишлов бериб, ҳайдаб, тозалаб, экин экса, боғ қилса,

бу одамнинг ишига мадад бериш, барақот бериш Аллоҳ таолонинг зиммасида бўлади.

Ҳадиси шарифда: “Қайси муслмон кўчат ёки экин экса, ундан қушни, инсонни ёки ҳайвонни тановул қилса, бу унга садақа бўлади”, дейилган.

Деҳқончилик ҳаёт таянчи, тирикчилигининг устунидир. Шунинг учун аждодларимиз бу касб соҳибларини ҳамisha ардоқлаб, эҳтиром кўрсатиб келган, ўзлари ҳам бу йўлда яхши амаллар бажарган. Масалан, буюқ аждодимиз Амир Темур Самарқанд атрофида Боғишамол, Боғи-майдон, Боғибаланд каби бир неча боғларни барпо қилиб, авлодларга намуна бўлган.

Ҳазрати Алишер Навоий эса деҳқонларимиз меҳнатига юксак баҳо бериб, уларни “ризиқ йўлини очувчилар”, “олам аҳлининг тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидан дир”, деган.

Шу билан бирга, ер, сув, кўчат ва деҳқончилик билан боғлиқ бошқа нарсаларни исроф қилмаслик, авайлаб ва эҳтиётлаб фойдаланиш зарур эканини унутмаслигимиз лозим. Ҳар биримиз ер юзи ободлиги охират ободлиги билан узвий боғлиқ эканини яхши англаб, юртимизнинг ҳар бир гўшасини обод ва фаровон этиш йўлида ҳамжиҳатлик билан астойдил меҳнат қилишимиз зарур.

Кези келганда айтиш зарурки, мазкур фармон ер ресурсларини талон-тарож қилиш, ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонуний сотиш ҳолатларига ҳам бутун ҳоли катта бўлади. Сўнгги 2 йил давомида 120 минг гектардан зиёд ер талон-тарож бўлган ёки мақсадсиз бериб юборилган, шунингдек, ерга оид қонунчилик бўйича 588 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани ушбу ҳужжатнинг нақадар дўзарб эканини кўрсатади.

Баъзи кишилар онгидида “ер давлатники бўлса, хоҳлаганча фойдаланиш, талон-тарож қилиш мумкин”, деган хатарли тушунчалар шаклланиб қолган. Давлат мулки — халқ мулкини ноҳақ эгаллашнинг яққа шахс мулкини эгаллашдан гуноҳи катта бўлади. Зулм қилган бўлса, бир кишини топиб рози қилиш мумкин, лекин халқнинг ҳақиқа хийнат қилса, миллионлаб одамларни қандай рози қилади?

Демак, ҳар ким бошқанинг, айниқса, давлатнинг мулкига хийнат қилмай, эҳтиёжга яраша ер эгалласа ва ўша ерни обод қилса, ризиқ рўзимизга барака кирди. Аксинча, ислом динида бировнинг ҳақини ботил йўл билан еиш қаттиқ қораланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай иттиҳ қилади: “Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз!”. Манбаларда бировнинг молини ботил йўл ила еишга алдамчилик, нархни сунъий ошириш, ўғрилик, товламачилик, қарзга

олган нарсаларни қайтариб бермаслик ва бошқалар кирди, деб изоҳланган.

Жаннатий саҳоба Саид ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким бир қарич ерни зулм билан эгалласа, қирмат қуни бўйига етти қават ер мучоқ қилиб осиб қўйлади”, деганлар.

Утмишда аждодларимиз бировнинг ҳақидан қаттиқ ҳазар қилган, ўзганинг ҳақини олиш у ёқда турсин, ўзлари билмаган ҳолда тасодифан келиб қолса ҳам ундан зудлик билан холи бўлган. Исломи дини инсоннинг жонини қанчалик ҳимоя қилган бўлса, унинг молини ҳам шунчалик сақлайди. Яъни бировнинг жонига тажовуз қилиш катта гуноҳ бўлганидек, унинг молига тажовуз қилиш ҳам улкан гуноҳдир. Юқорида келтирилганидек, ер халқники, кўпчиликнинг ҳақини ноқонуний ўзлаштириш янада катта гуноҳ саналади.

Ушбу фармон асосида янги тартиб бўйича шаффоқлик, очиқлик, одиллик тамойилларига амал қилинган ҳолда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар фақат ижара ҳуқуқи асосида очиқ электрон танлов якунларига кура ажратилади. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар электрон онлайн аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқи асосида берилиши эса ушбу ҳудудларда истиқомат қилувчи, уй-жой ёки мулкка муҳтож фуқароларга ўта манфаатли бўлади.

Ерни муҳофаза қилиш, ундан унумли фойдаланиш, соҳада шаффоқлик ва адолатни таъминлаш ҳам динимиз, ҳам қонунчилигимиз талабидир. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан ерни чинакам эгаси — халққа бериш соҳада қонун устуворлигини таъминлашга мустаҳкам асос бўлди.

## Халқаро онлайн илмий-амалий симпозиум

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон” мавзусида халқаро онлайн илмий-амалий симпозиум ўтказилди.

ЭНГ СОФ ВА ТИНИҚ  
ҲАҚИҚАТЛАРНИ ТИЛГА  
КИРИТГАН БЕНАЗИР ОЛИМ

Анжуман Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг ҳаёти ва бой илмий меросини ҳамда мотуридийлик таълимотини халқаро жамоатчилиққа етказиш мақсадида ташкил этилди.

Симпозиумда мамлакатимиз вакилларидан ташқари Миср, Иордания, Туркия, Германия, Швеция, Франция, Босния ва Герцеговина, Россия, Малайзия, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатлардан мотуридийшунос ва исломшунос олимлар қатнашди.

— Исроми ақидаси ривожига катта ҳисса қўшган, ваҳийни соғлом ақл сузгичидан ўтказиб, энг соф ва энг тиниқ ҳақиқатларни тилга киритган Имом Мотуридий ҳазратлари порлаган қўёш мисоли асрлар оша нур сочиб турибди, — деди анжуман иштирокчиси, Туркиянинг Салжўқ университети ректори Метин Аксай. — Мотуридий ҳазратлари тизимлаштирган жузъий назарияси ҳамда ваҳийни ақл билан асослаш ҳаракати хоҳ ўз даврида, хоҳ бугунги кунда бўлсин, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Симпозиум давомида Имом Мотуридий ва издошларининг илмий меросини ўрганиш, мотуридийлик таълимоти моҳияти, унда ақидавий масалаларнинг ёритилиши юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқотларга оид мавзулар муҳокама қилинди.

— Исроми дини ақидавий меросининг асосий устуларидан бири бўлган мотуридий таълимотининг аҳамиятини сўз билан таърифлаб бўлмайди, — деди Исроми тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази — IRCICA бош директори Маҳмуд Эрол Қилич. — Ушбу муҳим симпозиум боис, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан

ҳамкорлик қилишни бахт деб биламыз. Мазкур марказнинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти дунё илмий доираларида юқори баҳоланмоқда.

Тадбир доирасида Имом Мотуридийнинг марказ томонидан нашрга тайёрланган “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 29-жузи, Мулла Али Қорийнинг “Шарҳ ал-Фихр ал-акбар”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя”, “Юртимиз алломалари ружни остида 10 та рисола”, “Халқаро ислом ташкилотлари”, “Мутаассибликка қарши муътадиллик: метод ва таҳлилий раҳиялар”, “Долзарб раддиялар”, “Исроми никоҳидаги мутаассиб гуруҳлар” каби бир қатор китоблар, шунингдек, “Мотуридийлик” илмий-маърифий журналнинг нишона сони тақдимиоти ўтказилди.

Анжуманда халқаро экспертлар, мутахассис ва олимлар томонидан ўқилган илмий маърузалар ҳамда кузатув натижалари алоҳида тўплам шаклида нашр этилиши маълумланди.

Шу билан бирга, талабалар ўртасида ташкил этилган “Имом Мотуридий издошлари” танловининг энг яхши мақола, энг яхши видеоролик, энг яхши инфографика номинациялари бўйича голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Еш тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида симпозиум доирасида докторантлар, тадқиқотчилар ҳамда талабалар учун “Имом Мотуридий ёш тадқиқотчилар нигоҳида”, “Замонавий исломшунослик муаммолари” номли алоҳида шўъбалар ҳам иш олиб бори.

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## САЙЛОВ—2021

САЙЛОВ ХАРАЖАТЛАРИ СМЕТАСИ  
ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш, Марказий сайлов комиссиясининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид масалалар муҳокама қилинди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга биноан, жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловида тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида Марказий сайлов комиссиясига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори 300 миллиард сўм этиб белгиланган.

Харажатлар сметасини шакллантириш ва Молия вазирлиги билан келишишда Сайлов кодекси ҳамда халқаро сайлов стандартлари талабларидан, шунингдек, аввалги сайловлар тажрибасини таҳлилий ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда сайлов билан боғлиқ жараёнларда маблағ талаб этилган барча жиҳатлар ҳисобга олинди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизматининг маълум қилишича, 14 та округ сайлов комиссиясининг ҳар бирига 56 миллион 991 минг сўмдан, шунингдек, қарийб 10 минг 800 та участка сайлов комиссиясининг ҳар бирига 11 миллион 813 минг сўмдан маблағ ажратиш режалаштирилган.

Мажлисида округ ва участка сайлов комиссиялари учун ажратилаётган ушбу маблағларнинг 80 фоиздан кўпроғи мазкур комиссиялар аъзолари иш ҳақи, компенсация ҳамда ягона иктимойи тўловлар учун сарфланиши қайд этилди. Пандемия шароитида сайлов комиссиялари аъзолари ва сайловчиларнинг саломатлиги билан боғлиқ хавфсизлигини таъминлаш учун шахсий ҳимоя воситалари ва дезинфекцияловчи материаллар харидига доир маблағлар ҳам назарда тутилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган ва ижроси изчил таъминланган Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси бўйича тренерлар ва мониторинг гуруҳи аъзоларининг округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига жалб этиладиган номзодларнинг билими ва кўникмасини ошириш мақсадида “каскад” усулида ташкил этилган ўқув машғулотлари учун 18,4 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Ушбу маблағнинг 92 фоизи тренер-



лар ва мониторинг гуруҳи аъзоларининг иш ҳақини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловида тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ, марказлашган тартибда харид қилинадиган сайлов жиҳозлари, зарур моддий-техник воситалар, товарлар ва хизматлар учун ҳам маблағ ажратилади.

Йигилишда Марказий сайлов комиссиясининг бир қатор қарорлари сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқлаштирилди.

Жумладан, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар энди маъмурий судлар эмас, балки жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади. Бу қоида Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарориди ҳам мустаҳкамланди.

Аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда округ сайлов комиссиялари 9-11 нафаргача аъздан иборат таркибда тузилар эди. Бўлажак Президент сайловида мамлакатимиз бўйича 14 та округ сайлов комиссияси фаолият юртиши, айрим округларда сайлов участкалари сони минтагага етиши, сайлов участкаларининг базиларида эса уч минг нафаргача сайловчи рўйхатга олинишига эътибор қилинса, округ сайлов комиссиялари таркибини кенгайтириш зарурлиги аён бўлади.

Шу муносабат билан Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари таркибини 11-21 нафаргача белгиланган юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



# ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

## қишлоқ хўжалиги экинлари ҳимояси ва агрокимёсига инновацион ёндашувни талаб қилмоқда



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**  
инновацион ривожланиш вазири,  
академик

Коронавирус инсоният бошига кўп қулфат келтирди. Пандемия ҳаётимизга бевосита боғлиқ бўлгани учун унинг кўлами, оқибатларини ўз танамизда ҳис қилдик. Вируснинг зарарли таъсирига қайтариш, тарқалишига йўл қўймастик учун турли ҳимоя воситаларини ишга солдик. Чекловлар қўладдик. Биргина коронавирус пандемияси инсоният ҳаётини ва иқтисодиётни нақадар тез издан чиқариб юборганига гувоҳ бўлдик.

Ваҳоланки, табиат фақат одамзоддан иборат эмас. Биз билан ёнма-ён ҳайвонот ва наботот олами ҳам ҳаёт кечиради. Шу ўринда ўсимликлар дунёсига хавф соладиган вируслар, турли зараркунанда микроорганизм ва ҳашаротлар борлигини, қишлоқ хўжалиги экинлари доим бу зараркунандалар ҳужуми остида яшашни таъкидлаш ўринли. Шунинг билан бирга, ўсимликларни ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кафолати дейиш сира муболаға бўлмайди.

Президентимиз раислигида шу йил 25 май кунини ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилишида бу борада янги тизим яратиш, ҳудудларда шунга оид хизматларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, 30 май кунини Корея Республикаси Президентини Мун Чже Иннинг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоконференция шаклида ўтган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030" иккинчи халқаро саммитида давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббусга дунё ҳамжамияти юқори баҳо берди.

Икки кунлик форум кун тартибидан иқлим ўзгариши оқибатларини енгиб ўтиш, "яшил" тикланиш ва углерод нейтраллигини таъминлаш, шунингдек, БМТ Барқарор taraққиёт мақсадларига эришиш ва Иқлим бўйича Париж битими қоидаларини бажариш масалалари ўрин олган эди.

Давлатимиз раҳбари ўсимликлар ҳимояси тизимига оид таъкидлаган масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳудди соғлиқни сақлаш тизими бўйича берилган топшириқларнинг қишлоқ хўжалигига том маънодаги "трансляцияси" бўлди. Жумладан, экинларни ҳимоя қилишда касаллик ўчоқлари билан фермер далалари кесимида курашиш, зараркунандаларни чуқур ўрганиш ва уларнинг тарқалишига қарши илмий асосланган профилактика ҳамда кураш чораларини карантин назорати билан ҳамоҳанг амалга ошириш, бу жараён ваколатли давлат органи томонидан тўлиқ назоратта олиниши қатъий белгилаб берилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини оширишда ўсимликлар ҳимояси жуда муҳим тизим ҳисобланади. Биолог олим сифатида ушбу соҳада Президентимиз илгари сурган илмий-технологик қанчаллик жиддий ва муҳим экани ҳақида тўхталмоқчиман.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўсимликларни текширувдан ўтказадиган тизим жорий этилганига қарамай, бу фаолият асосан мамлакатимизга кириб келаётган уруғ, кўчатлар назоратига йўналтирилган. Гап шундаки, ҳозир бирор касалликка чалинган ўсимликларга ишлов берган қишлоқ хўжалиги техникалари зараркунандалардан холи далага ҳам кириб кетаверади. Шунингдек, далада ишлайдиган деҳқонлар ҳам

зарарланган ер майдонлари оралаб ҳеч қандай эҳтиёт чораларисиз ўтиб юриши табиий ҳолга айланган. Демак, қишлоқнинг ўзи ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларининг тарқалишига сабабчи бўлмоқда. Шу боис, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ҳам худди пандемия давридаги карантин қоидалари каби қатъий чеклов тизими, бошқача айтганда, регулятор ўрнатилиши керак. Энди бу борада қатъий интизомий чораларни жорий қиладиган давлат органи пайдо бўлди. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси худди соғлиқни сақлаш тизимидаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати каби қишлоқ хўжалиги соҳасида эпидемиологик хизмат кўрсатувчи орган ролини бажариши лозим.

Бугун Ер юзиде глобал иқлим ўзгариши кузатишмоқда. Сайёрамиздаги ўртача ҳарорат ўтган ўттиз йилда бир даража ошди. Ҳашарот ва зараркунандаларнинг янги турлари пайдо бўлди. Бу жуда катта муаммо.

Дейлик, Ўзбекистонда қиш илгаридек совуқ бўлмаяпти. Баҳор эрта бошланаётгани туфайли ўсимликлар уйғунганча ухлаб ётадиган ҳашаротлар уларнинг уйғонишини кутиб, озиқланишга тайёр турибди. Ўсимлик ҳали ўзини ўнғламасидан туриб, ҳашаротлар унга чанг соляпти ва экинларга катта зарар келтирмоқда...

Келинг, шу вазиятга бошқача назар билан қарайлик. Ҳашаротлар ҳам биологик тур сифатида яшаш ва кўпайиши керак. Масалан, пахта териби олганимиздан кейин гўзапоёси олиб кетилади. Ерга гумус сепилмайди. Натيجида туپроқдаги кўзага кўринмас микроорганизмлар оч қолади. Шунинг учун ҳам улар баҳорда унинг чиққан ўсимлигини ейтишга тайёр туради. Деярли барча туپроқ микроорганизмлари "сапрофит организмлар", яъни чириндиҳўрлар гуруҳига мансуб. Улардаги бу хусусиятнинг фойдали томонлари ҳам бор, албатта. Лекин ерда чирийдиган нарсанинг ўзи қолмаса, улар озиқланишга қийналади. Масалан, ҳозир Бухоро вилоятида янги фузариоз турдаги вилт касаллигининг кўпайишига айнан мана шу омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Вилтда 25 минг гектар майдонни вилт босган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, ви-



лоятда узоқ йиллар давомида Бухоро гўза нави экилиши ва унда табиий фузариоз вилтига мойил ингичка толали гўза генотипи мавжудлиги бўлса, иккинчидан, гўзапоёнинг даладан таг-туғи билан олиб кетилишидир.

Ҳозир кўп жойларда гўзапоёнинг кўр-кўрона майдалини, далага сепилиши натижасида зараркунанда кенг тарқалмоқда. Агар туپроқда "ўлик" чиринди етарли бўлса, зараркунандалар қиш бўйи шулар билан озиқланади ва экинларга бу қадар тажовузкор ҳужум қилмайди. Дала майдонларига сепилмайдиган ўғит, бир томондан, ўсимликларга озуқа бўлса, иккинчи томондан, турли туپроқ зараркунандаларини ҳам озуқа билан таъминлайди. Натيجида яхши ўғитланган ва зараркунанда ҳужумига учрамаган дала юқори ҳосил беради.

Ер қурраси шундай мукамал ва мураккаб экотизимки, унда йирки ва майда ҳайвонлар, ўсимликлар қатори ҳашарот ва бактерияларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бирор ҳашарот ёки зараркунандани буткул йўқотишга уриниш, уларга қарши кураш агротехнологияларига рияз қилмаслик зараркунандаларнинг курашувчанлигини оширади.



Аваллари беда қандаласи асосан боғлар орасидаги бедазорда учарди. Ҳозир бу зараркунанда гўзага катта зарар етказаяпти. Сабаби, беда қандаласи озиқланиб, насл қолдириши учун шароит ўзгарди. Энди у янги озуқа манбаига ўта бошлади. Зараркунандаларнинг бир экин туридан иккинчисига тез ўтаётгани замирида ҳам глобал ишш даврида кузатилаётган қуроқчилик, зараркунандаларга қарши кескин курашишда уларнинг биологияси билан ҳисоблашмаслик каби омиллар ётибди.

Жаҳон аҳли коронавирус билан яшашни ўрганаётгани каби зараркунандалар билан яшашни ҳам ўрганиши керак. Бунинг учун инсоният нафакат ўзи учун озуқа яратиш, балки бу жараёнда атрофдаги тирик ҳаётни бузмаслик ҳақида ҳам ўйлаши зарур. Ана шунда экологик мувозанат бузилишининг олди олинади.

мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бу ҳолат кузатилмаёпти. Масалан, авваллари пахтачиликда бир гектар ерга 150 кило нитрат ўғити солинарди. Кейин у оширилиб, ҳозир гектарига 600 килограммга чикди, аммо аҳвол ўша-ўша. Бу иқлим ўзгариши билан боғлиқ. Об-ҳавонинг исилши, интенсив куёш нури таъсирида фотосинтез жараёни тезлашди. Фотосинтез, бу — япроқда глюкоза синтези бўлишини аниглайди.

Ҳосил бўлган глюкоза поядаги флорамдан пастга ҳаракатланиб, илдирга етиб бориши керак. Бунинг учун эса сув поя найчалари орқали юқорига кўтарилиши лозим. Сув тепага юриши учун нитрат насоси ишга тушади. Демак, Ўзбекистон учун муҳим экин — гўзада фотосинтез жараёни бир неча баробар тезлашган. Натيجида глюкоза кўпроқ синтез бўлмоқда. Уни илдирга олиб бориш учун ўсимликлар янада кўп нитрат талаб қилапти. Юқори ҳароратда ўсимлик биомассаси ортапти. Тўғри, гўза кўп кўсак ҳосил қилапти, лекин пийшмаяпти. Сабаби, кўсак пишиши учун фундаментал ўсимликлар физиологияси конуниятларига кўра, азотнинг фосфорга нисбати аниқ сақланиши керак.

Энди тасаввур қилинг: ҳаво жазирама, туپроқда нитрат микдори ошиб кетган, глюкоза синтези тезлашган, баргларда ҳосил бўлган шакари "пастга" тушириб, сувни кўтариш керак. Ўсимлик нитратни уч баравар кўп оляпти, лекин фосфор етишмаяпти. Кўсак кўп, лекин пропорция бузилгани учун очилмаяпти. "Шунча нитрат солияпти, ҳосилдорлик қани?" деган саволга жавоб йўқ. Сабаби, глобал иқлим ўзгаришида NPK (нитрат, фосфор, калий)нинг янги формуласи ишлаб чиқилмаган. Фосфорли ва калийли ўғитлар микдорининг кўр-кўрона оширилиши эса туپроққа катта зарар етказиши ва ерни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин. Қолаверса, фосфорли ўғитлар микдорини кўпайтириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш таннарҳининг кескин ошишига сабаб бўлади.

Шунинг учун Инновацион ривожланиш вазирлиги Президентимиз илгари сурган ташаббусдан келиб чиқиб, глобал иқлим ўзгариши шароитида NPK-нинг янги формуласини ишлаб чиқиш

бўйича илмий тадқиқотларга буюртма берди. Муаммонинг тезкор ечимини топиш чорасини ишламоқда. Шунингдек, вазирлик барча вилоят ва туманларда "тупроқ клиникаси"ни ташкил этиш лойиҳасини инновацион ҳудудлардан бошлади. Бу жараёнда муайян ҳудуддаги ер майдонининг тузилиши ва таркиби ўрганилади. Айнан шу тупроққа етишмаётган кимёвий элементларни қўллаш орқали ҳосилдорлигини кўпайтириш, ер унумдорлигини ошириш мумкин.

Яна бир муаммо — глобал исилш туфайли кундузи ва тунги ҳарорат ўртасидаги фарқ хаддан зиёд қисқариб кетди. Яъни меъёр бузилган.

Илгари кундузи 50 даража иссиқ бўлса ҳам кечаси ҳарорат 19-20 даражага тушарди. Шунинг учун гулларнинг чанглаши осон кечарди. Ҳозир эса ўсимлик гуллапти, лекин гулларни чангланмагани учун мева тугмайди. Далаларга чиқсангиз, бу ҳолатга гувоҳ бўласиз. Масалан, гўзанинг биринчи гуллагани кўсак туккан, қолганлари эса гуллигича турибди. Чунки ҳозир кундузи Ўзбекистонда тупроқ 40-45 даражагача қизиса, кечалари ҳарорати 35 даражадан паясаймапти.

Орол денгизи қуриди. Музликлар эриди. Бир неча ўн йиллар аввал айнан шу тоғлардаги музликлардан совуқ ҳаво оқими келиб, тунги ҳавони совитарди. Ҳозир эса гармсел одатий иқлим шароити айланди. Шунинг учун ҳосилдорлик камайган. Вазиятни тўғрилашнинг ягона йўли — иссиққа чидамли ўсимликлар навини яратиш ва юқори ҳароратда ҳосил туғиши учун экинларга янги авлод биостимуляторлари билан ёрдам бериш. Олимларимиз ҳозир айнан мана шу масалалар устида ишланиш олиб борапти.

Глобал иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган яна бир катта муаммо — ҳавода карбонат ангидрид гази кўпайиши ва "иссиқхона эффекти" натижасида ўсимликларни ҳимоялаш, ўғитлаш ва гулнинг чанглаши мева туғишидаги мураккабликларнинг юзага келиши. Аслида карбонат ангидриднинг ҳавода кўпайиши ўсимликлар учун айни мудоаа. Улар бу газ билан озиқланади, лекин у хаддан зиёд кўпайса, ўсимликлар гуллашига

тескари таъсир қилади. Тайёр озуқа турганда ўсимликларнинг гуллаш суръати кескин пасаяди. Олимларнинг фикрича, кейинги юз йилда ҳавода карбонат ангидрид микдорининг ошиши туфайли ўсимликлар тўла гулламай қоляпти.

Шунинг учун дунё иқтисодиёти ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳаводаги карбонат ангидрид микдорини камайтирувчи яшил технологияларни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун ва гўза инсониятга ҳаводаги карбонат ангидридни камайтиришда ёрдам берадиган олтига ўсимлик қаторида қайд этиляпти. Бу экинлар юртимиздаги асосий майдонларга экилишини инobatга олсак, Ўзбекистон дунё яшил иқтисодиётига катта улуш қўшиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Юқорида айтилганидек, фотосинтез жадаллашуви натижасида бугун ва гўзада карбонат ангидрид гази кўп ўзлаштирилмоқда. Баргларда ҳосил бўлган глюкоза кўтбланиши натижасида илдизда тўпланади, бироқ илдизда яна чириши оқибатида янгидан карбонат ангидрид гази ажралади ва ҳавога қайтади. Дейлик, янги навлар яратиш орқали фотосинтез натижасида ҳосил бўлган глюкозани ўсимлик илдирида секинроқ парчаланишига эришилса, муаммо бартараф этилади. Ҳаводаги ортиқча газ самарали тарзда биополимерга айлантирилиб, уни ер бағрида узоқроқ сақлаш ва пировадидда "иссиқхона эффекти"ни камайтириш имкони туғилади.

Ҳозир ўсимликлар фотосинтези янада жадаллашган, карбонат ангидрид гази тизим тез ўзлаштирувчи, шу билан бирга, ҳосил бўлган глюкозани секин парчаланувчи суберинга айлантириб, илдизда тўплайдиган илмий лойиҳаларга буюртма берилиб тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан глобал иқлим шароитида ўсимликларни ҳимоя қилиш, ўғитлаш ва янги авлод биостимуляторлари ва ўғитларини яратиш, иссиққа чидамли, карбонат ангидрид газига ўзлаштирувчи нав ҳамда самардор технологияларни яратишда олтига вазирлик ва идора тасарруфидига ўн учта илмий ташкилот ҳамда олий таълим муассасаларининг 360 дан ортиқ илмий ходими жалб этилган. Соҳа бўйича мустакил экспертлар иштирокида қирқ битта янги ишланмани тижорийлаштириш юзасидан ташкилий чоралар кўрилмоқда. Янги механизмлар асосида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самардор технологияларини яратиш бўйича 2021 йилда умумий қиймати 31,6 миллиард сўмлик 52 та лойиҳа бажарилмоқда. Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида мунтазам лойиҳа танловлари эълон қилинмоқда.

Соҳада мавжуд муаммоларнинг кўлами жуда кенг. Худудлар шароитидан келиб чиққан ҳолда, суғориш манбалари ва тизимларини янгилаш, сув ва тупроқ хусусиятларини яхшилаш ва доимий мониторингини йўлга қўйиш, ресурсларни тежаш ва улардан оптимал фойдаланиш, минерал ва табиий ўғитларни қўллашнинг самарали ва натижадор усулларини ишлаб чиқиш зарурати катта. Шунингдек, флора ва фаунанинг барқарор мувозанатини тиклаш, генетика ва селекциянинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда янги навлар яратиш, синаш ва жорий қилиш каби ишлар катта илмий салоҳият, кўплаб ресурслар билан бирга, кенг қўламли, узоқни кўзлаган ёндашувни ҳам талаб қилмоқда.

Президентимиз олдимизга қўйган вазифалар замонавий самардор инновацияларни қишлоқ хўжалигига татбиқ қилиш билан бирга, етарли билим ва тажрибага эга кадрлар захирасини шакллантиришни ҳам кўзда тутуди. Бу жараёнда соҳага хос янги пайдо бўлган ва илгор мамлакатларда самарали қўлланаётган йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Мазкур вазифаларнинг ижросида илгор халқаро тажрибага асосланган усулларни қўллаш эса мамлакатимизда ўсимликлар генотипини сақлаш, сифатли маҳсулот етиштириш ва уларни қайта ишлаш, халқаро андозаларга мос маҳсулотлар экспортини оширишда катта имкониятлар эшигини очди.



ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

# ХўЖАМУШКЕНТ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳар бир кунига бир булоқ бахш  
этилган ушбу масканда 365та булоқ бор



Асолат АҲМАДҚУЛОВА,  
журналист

Хўжамушкент ота. Бу номнинг ўзида ададсиз хислат, минг бир тахайюл намоён. Бу сўзни айта туриб қалбингизда нимадир “жиз” этганини сезасиз, тийрақлашасиз...

Бу маскан ҳақида гўзал афсоналар жуда кўп. Улардан бирида одамларга яхшилик улашувчи дарвешнишон авлиё тўғрисида ҳикоя қилинса, бошқасида тоғлар орасидаги гўзал дивёрда яшовчи ўзбек халқи ҳақида бир-биридан гаройиб афсоналар ва ҳикоятлар тилдан тилга кўчиб юради.

Тарихий манбаларда тез-тез учраб турадиган Хўжамушкент ота зиёратгоҳи Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида жойлашган. Хўжамушкент отанинг асл исми ҳақида аниқ тарихий маълумот йўқ. Ривоятларда айтилишича, у кишининг асл исми Хўжа ибн Исҳоқ, энг яқин шоғирдининг исми эса Хўжамухаммад бўлган экан.

Қадамжода Хўжамушкент отанинг рамзий қабри устига хонақоҳ қурилган. Кираверишдаги масжид, дам олиш жойлари, чойхона ва меҳмонхона зиёратгоҳ кўрғида кўрк кўшади. Зиёрат учун келганлар хонақоҳ кўтарилиб, рамзий қабр бошида авлиё ота руҳи қокига тиловат ўқийди.

Зиёратгоҳдаги ўн тўрт булоқнинг ҳар бири ўзига хос таъм ва шифобахшлик хусусиятига эга. Булоқлар кўшилиб, сойга айланади. Айтишларича, бу зилол сув минг даргда даво. Улар ўз хусусиятига қура, алоҳида номланади. Ниятбулоқ, Муродбулоқ, Иситмабулоқ, Қўтирбулоқ... Яхши ният билан келганлар булоқларда юз-қўлини ювиб, шифобахш сувдан тўйиб-тўйиб ичади. Булоқлар сувининг инсон организмга фойдали минералларга бойлиги илмий жиҳатдан исботланган. Атрофдаги турфа дарахлар, гуллар, ажиб ифтор таратувчи райхонлар зиёратчиларнинг баҳри дилини очади.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Юсуф Ҳамадонийнинг устози Шайх Абу Исҳоқ бўлгани қайд этилган. Бу асарда яссавийлик тарикати валийлари қаторида Исҳоқ ота тўғрисида ҳам маълумот келтирилади. Шунингдек, Насафийнинг “Қандия” асарида Юсуф Ҳамадонийнинг Мовароуннаҳрга келиши ҳақида: “Ҳамадон вилоятида 11 нафар ошанлари ҳамроҳлигида келган эдилар. Уларнинг тўртинчиси Хўжа Исҳоқ”, деган маълумот мавжуд. Шайх Абу Исҳоқ мазкур масканда кўним толган авлиё ота бўлиши ҳам мумкин, деган тахминлар ҳам бор.

Халқ орасида Хўжамушкент, яъни мушкулларни осон қилувчи хўжа номи билан машҳур тарихий зот ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятга қура, қадим замонлар ул зот шу элда яшовчи кампирдан бир кеча тунагани жой сўрабди. Кампир “Жой бераман-ку, аммо сизларни меҳмон қилмайман, ёлғиз эчкимининг бир пилла ситидан бошқа таомим йўқ”, дебди хижолатомуз. Шунда меҳмон,

“Майли, энажон, ўша эчкингизни соғиб келинг-чи”, дебди. Кампир эчкисининг бир пиллагина сутини қоқлаб соғиб олиб, меҳмонга манзират қилибди.

— Энди бул сутни човлидан ўтказинг, — дебди меҳмон.

Кампир ишониб-ишонмай пилладаги сутни човлидан ўтказибди. Қараса, бир пилла сут бир қозонга тўлибди. Ҳаммалари Аллоҳга ҳамду сано айтиб, суддан тановул қилибди. Соҳиби каромат авлиёнинг шу каби



хислатлари эл аро афсона бўлиб, бекнинг қулгоига етибди.

Бек уни ҳузурига чорлабди. Кароматларини ўз кўзи билан кўрмоқни истабди.

— Подангизнинг ичида бир кўк буқа бор. Шунинг сўйиб, элга худойи қилиб тарқатинг, терисини ва шу терича ерни бизга беринг, токи шу ерни макон қилайлик, — дебди авлиё. Унинг айтгани бажарилибди. Кўк буқанинг терисини ёйган экан, шу жойдан булоқ отилиб чиқибди. Уни Буқабулоқ, деб атай бошлашибди.

Ҳамама замонларда бўлгани каби бу эл орасида ҳам ҳасадагўйлар бор экан. “Бу кароматтўй ҳозирча бир буқанинг терисини ери сўради. Бориб-бориб бутун бекликнинг ерларини сўраса, кейин биз нима қиламиз? Яхшиси, уни келган томонига қувлаймиз, ундан қутулишимиз зарур”, деган фиксу фасод тарқатиб, одамларнинг онгини бузибди. Оломон таъкибидан қочган авлиё ва унинг шоғирди ҳозирги зиёратгоҳнинг ўрнига келиб қолибди. Ҳассалари теккан ердан булоқ кўз очаверибди. Таъкибчилардан қутулиш учун яна бир каромат кўрсатибди: тик жарликка мушт урибди. Ҳар урган мушти ўрнида ғор пайдо бўлибди. Улар шу ғордан бирининг ичига кириб, ғойиб бўлибди. Таъкиб қилиб келганлар ғорларга

кириб ҳарчанд қидирсалар ҳам у кишини тополмаган экан.

Яна бир ривоятда айтиладики, Ироқда тузалмас дарди бор кишиларга “Хўжамушкент деган жойга бориб, сувида ювинасиз ва ўн кун истикомат қилсангиз, ҳар қандай дарддан фориг бўласиз”, деб маслаҳат беришаркан. “Хўжамушкент қаерда?” деб сўрасалар, “Маққатиллода бир ғор бор, ўша ғорнинг охири қаердан чиқса, Хўжамушкент ўша жой бўлади”, деб жавоб берар экан.

Чор Русияси истибодди кучайган 1918-1919 йиллар... Босқинчилар Ватан озодлиги учун курашган, юртнинг бек боласи Холбўтабекни ушлаб олиб кетаётган экан. Қизил аскарлар қуршова кетаётган бек йигитни хўжамушкентлик бир тўп отахонлар қузатиб қолади. Холбўтабек сафар олдида зиёратгоҳни тавоф қилибди, кўнидан залворли халтача чиқарибди-да, шу қишлоқлик мулла Олим деган кишига бериб, “Бу жойда бир обод бино қурибди. Эл-улус бу пулга бино қурибди, токи авлодлар мудом азизларимизни зиёрат қилиб турсин!”, деган экан. Эл-улус бу пулга бино қурибди. Узоқ-яқиндан авлиё зиёратига келганлар учун дам оладиган маскан бўлибди, кейинчалик Аллоҳнинг уйи — масжидга айланибди.

Йиллар ўтиб бу бино мактаб вази-фасини ўтайди, Иккинчи жаҳон уруши йиллари чет давлатлардан келтирилган етим болалар учун “детдом” — меҳрибонлик муассасасига айлантирилди. Кейинчалик яна мактаб... Бино бино бўлиб яралибдики, фақат яхшиликка, эзгуликка, маърифатга хизмат қилган. Зеро, бинони қуришни васият қилган бек йигитнинг ҳам нияти шундай бўлганди. Ният амалга ошди.

Замонанинг зайли билан қадамжод кўп йиллар қаровсиз қолди. Кейинча-



лик яна одамлар зиёратга келишни бошлади. Яқин атрофда яшовчи аҳоли бу жойни тартибга келтириш, су-пур-сидирни ўз зиммасига олди.

Одамлар авлиё бобонинг зиёратидан кўнгуллари тўлиб, ниятлари амалга ошгани сайин ихлос билан уни обод қилишга киришиб кетди. Зарбдор туманидаги Оқбулоқ қишлоғида йигит синглисининг кўзи очилгач, ўз ҳисобидан Хивадан усталар келтириб, хонақоҳ қурдирди. Янгийўллик бир зиёратчи эса масжид биносини ўз ҳисобидан таъмирлаб берди. Яна қўллаб зиёратчиларнинг саховатлари билан зиёратгоҳ йўллари, бинолар таъмирланди, айвонлар солинди, кўприклар, йўлаклар барпо этилди. Атроф соя-салқин бўлсин, деб кўчатлар ўтказилди. Ҳар баҳорда кенг қўламадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади.

Эҳ-е, бу манзилда йилнинг ҳар бир кунига бир булоқ бахшида этилган. Самарқандлик археолог олим Алексей Грицина зиёратгоҳда 365 та булоқ санаган.

Бу ерда қалбингизнинг меҳварига бир тутам нур — илоҳий шуур туташ-са, руҳингиз тозаланса, енгиллашсангиз, бунда ётган улғу зотларнинг сизга назар солгани, рўйхуш бергани шул эмасми?!

МАДАНИЙ МЕРОС



# ОРОЛБҲҲЙИ МИНТАҚАСИ:

## ИННОВАЦИЯЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИАТЛАР МАЙДОНИ



Гавҳар ДҲРДИЕВА,  
архитектура фанлари доктори,  
профессор

“ Бу обода Нукус шаҳридан 43 километр жанубда — Амударё тумани худудида, дарё қирғоғидан 40 метр баландликдаги тепалик устида жойлашган. Унинг паст қисмидаги эни 130-150 метр, баландлиги эса 33 метр. Мазкур обода эрамиздан аввалги IV-I асрларга оид бўлиб, қадимги Хоразмнинг энг гуллаб-яшнаган даврларида бунёд этилган.

Ушбу қалъалар жуда юқори аниқликда, математик ва арифметик ҳисоблар асосида бунёд этилгани хайратланарли. Сўнгги йилларда қадимий маданият изларини асл ҳолида сақлаш, авлодларга бекаму кўст етказиш ва айни вақтда худудни сайёҳлик йўналишига айлантириш орқали дунёга тарғиб қилиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Бугун кўҳна Хивага ташриф буюраётган хоржилик сайёҳлар Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадим қалъаларни ҳам томоша қилиш ва аждодларимиз мероси билан танишиш имконига эга бўляпти.

Биз Қорақалпоғистондаги паҳса деворли меъморий ёдгорликларни ўрганиш, уларни таъмирлаш ва сақлаш мақсадида, ёш олимлар билан катор тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқотларимиз давомида паҳса деворли меъморий ёдгорликларнинг муҳандислик қурилиш услублари илмий таҳлил қилиниб, уларга экология ҳамда техноген таъсир ҳолатлари ўрганилмоқда. Бунинг учун тегишли адабиётлар ва архив ҳужжатлари асосида паҳса деворли обидалар бўйича “маълумотлар базаси” шакллантирилди.



Минтақани жозибадор инвестициялар майдонга айлантиришда туризмни ривожлантириш, сайёҳлик оқимини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Оролбўйи минтақаси тарихий-меъморий ёдгорликларга бой. Бу ерда инсоният тамаддунига улкан улғуш қўшган қадим маданиятдан хабар берувчи осори атиқалар, тарихи икки ва ҳатто уч минг йилларга бориб тақаладиган 110 та қадимий қалъа қолдиқлари сақланиб қолган.

Айрим қалъалар икки қаватдан иборат бўлган. Ҳатто айлана услубда қурилган Қўйқирилган қалъаси обсерватория вази-фасини бажаргани археологик тадқиқотларда исботланган.

Бугун Оролбўйи худудининг атроф-муҳити, экологик салбий таъсири ҳар қандай мустаҳкам иншоотларни ҳам маълум даражада емирмоқда. Натижада қанчадан-қанча ноёб обидалар — қалъа ва қўрғонларнинг йўқ бўлиб кетиши хавфи турибди. Масалан, “Қўйқирилганқалъа” деворларининг 60 фоизи, “Жонбосқалъа”нинг 62 фоизи, “Арис” ва “Қизилқалъа” ёдгорликларининг 67 фоизи сақланиб қолган. “Аёзқалъа” ва “Тупроққалъа” да бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этади.

Энг қизиги, тадқиқотларимиз давомида обидалар деворларидан олинган паҳса-лой лабораторияда текширилганда, унинг таркибида 32 хил табиий элемент

мавжудлиги аниқланди. Қурилганига икки ва икки ярим минг йил бўлганига қарамадан элементлар 80-90 фоизгача асл ҳолида сақланиб қолгани бизни хайратлантирди. Бундан шундай хулосага келиш мумкин, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси ички сиқувчи зўриқишларга қаршилик кўрсатиш кучига эга. Демак, бизнинг вази-фасимиз бу обидаларни фақатгина ташқи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш чораларини кўришидир. Бу ноёб обидаларнинг тепа қисмини атмосфера таъсиридан ҳимоя қилсак, уларнинг иккинчи умрини яна камида минг йилга узайтириш мумкин бўлади.

Қадим обидаларнинг девори устига янги девор тиклаш нотўғри таъмирлаш усули бўлади. Чунки юртимизга келадиган сайёҳ ушбу обидаларнинг ёшини билади. Уларни девори “ёшартirilган” обода эмас, балки антик даврга оид уч минг йиллик асл деворни томоша қилиш, кўли билан ушлаб кўриш қизиқтиради.

Бугунги кунда паҳса деворлари 78 фоиз сақланиб қолган худуддаги энг қадимги меъморий ёдгорлик — “Чиллик” да ишлаш давомида масаланинг айнан ана шу томонида эътибор қаратдик.

Бу обода Нукус шаҳридан 43 километр жанубда — Амударё тумани худудида, дарё қирғоғидан 40 метр баландликдаги тепалик устида жойлашган. Унинг паст қисмидаги эни 130-150 метр, баландлиги эса 33 метр. Мазкур обода эрамиздан аввалги тўртинчи-биринчи асрларга оид бўлиб, қадимги Хоразмнинг энг гуллаб-яшнаган даврларида бунёд этилган.

“Чиллик” обидаси испомдан олдинги даврда қурилган бўлиб, унинг тепасига инсонлар жасади қўйилган. Жасадалар суяклари қушлар ёрдамида тозаланиб, сўнг устадонга солиниб, дафн қилинган. Эл орасида бу обода “Жимжитлик минораси” деб аталиши шундан.

Олимларимиз обидани тадқиқ қилиш жараёнида аниқлашдики, деворлари паҳса ва хом гилдан тиклангани боис, икки ярим минг йилдан бунён очик ҳавода — ёмғир, шамол, қор ва кўёш таъсирида ҳамда табиий емирилиш сабаб асл ҳолатини бир қадар йўқотган. Ноқулай экологик шароитда, эксплуатация жараёнида деворлари емирилиб, бузила бошлаган, кўп жойларда ёриқлар пайдо бўлган. Афсуски, Орол денгизи қуриши оқибатида шурланган тупроқнинг тарқалиши неча асрлар собит турган обиданинг қарши жараёнини тезлаштирмоқда.

Обидани асл ҳолига қайтариш, яъни таъмирлаш ўта мураккаб технологиялар ва кўп маблағни талаб қилади. Таъмирлаш ҳатто ёдгорликнинг асл қиёфаси йўқолишига олиб келиши ҳам мумкин.

Шу сабабли, биз обода устига енгил конструкцияли “ёпма қурилма” тиклашни тақлиф қилмаёмиз. Бу унчалик катта маблағ талаб этмайди. “ёпма қурилма” обидани кўёш нури, қор ва ёмғирдан муҳофаза қилади. Ушбу катта иншоот (айланаси 62 метр) оралигини ёпишда металл фермалар, вантлар ва мембраналардан фойдаланиш вариантлари ҳам кўриб чиқилляпти.

Ушбу лойиҳамиз амалга ошгач, хориждан келадиган сайёҳлар икки ярим минг йиллик тарихимиздан сўзловчи обидани асл ҳолатида қуришга муваффақ бўлади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугун биз олиб бораётган тадқиқотлар Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшишига ишонман.